
Пахтабўстонлик Келдибек Уулу Чингизбек: Мен энди Ўзбекистон фуқаросиман! (Видео)

Ўзбекистон туманининг “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини Пахтабўстон қишлоғида яшовчи Келдибек Уулу Чингизбекка фуқаролик паспорти берилди.

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар оддий инсонлар ҳаёти, кундалик турмушида, қўйингки, ҳар бир қадамида қуёш сингари балқиб, нур таратмоқда.

Сўнги беш йилда амалга оширилган энг катта амалий ишлардан бири бу – бир неча йиллардан буён юртимизда яшаб туриб, Ўзбекистон фуқароси паспортини ололмай келган ҳамюртларимизнинг армонга айланган орзулари ушалгани бўлди. Дарҳақиқат, ҳеч кимга қарам бўлмаган, барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуққа эга Давлатнинг фуқароси бўлиш, бошқача айтганда, унинг ҳимоясида эканингни ҳис қилиш том маънода улкан бахтдир.

[Батафсил](#)

2023-04-26 19:59:57